

МУЗЕЙНИНГ НОДИР ТҮПЛАМЛАРИДАН...

Баратова Нозима Икромхўжа қизи

Кўқон давлат музей қўриқхонаси филиал мудири

Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўрта Осиё халқларининг маданият ва маънавият тарихи кўп соҳаларда юксак тараққиёт босқичига эришганлигини, бугунги кунда бутун дунё илм-фан аҳли эътироф этмоқда. Халқимизнинг манавий маданияти бир неча асрларда, турли босқичларда ривожланиб борди. IX асрдан XX асргача, тахминан 1000 йиллик тарихда боболаримизнинг илм-фан ва маънавий маданият соҳасида яратиб қолдирган буюк мероси бизгача, асосан, қўллэзма шаклда етиб келди.

Ҳозирги кунда юртимизнинг кўплаб маскан фондларида турли хил нодир шарқ қўллэзмалари сақланмоқда. Булардан бири Кўқон давлат музей-қўриқхонаси фондири. Музейнинг фонд жамғармасида ҳозирда, 84 та нодир шарқ қўллэзмалари мавжуддир. Бу қўллэзмалар 1950-йилдан то 2018-йилгача бўлган давр мобайнида музей фондига қабул қилинган. Мазкур қўллэзмалар араб, форс, туркий, озарбайжон тилларида ёзилган. Араб тилида китобат қилинган асарлар сони 40 тани ташкил қиласди.¹

Музейнинг қўллэзма фондни ўрганиш жараёнида нодир қўллэзма асарга кўзимиз тушди. Бу асар №380 инвентар рақами билан сақланаётган таникли ҳанафий олими, ватандошимиз, бухоролик фақих Садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Тож аш-шариъа ал-Маҳбубий ал-Бухорий (ваф. 747/1347)нинг “Мухтасар ал-Виқоя” китобидир. Асар хижрий 973 /1566 йил машҳур бухоролик хаттот Шоҳ Али ибн Мир Али Бухорий томонидан кўчирилган. Китоб муқоваси чармдан, самарқанд қофозига, насх хатида, асосан, қора сиёҳда, сарлавҳалари қизил сиёҳда ёзилган. 242 вароқдан иборат бўлган китобнинг 64 та жойига Худоёрхоннинг кўзасимон вақф муҳри босилган. Мухр ичига “Вакф фи сабилиллаҳи Муҳаммад Худоёрхон” ёзуви, тепасига “Ифтах” – “очик” сўзи ва хижрий 1288 (мил. 1871) йил туширилган. Маълумки, Худоёрхон ўз замонида мадраса талabalари учун китоблар кўчиритириб, мадрасаларга вақф мулки сифатида тақдим килган. Мисол сифатида, ўзининг даврида кўчирилган, Кўқон қофозига ёзилган ва Худоёрхон муҳри тушурилган Куръонни келтириш мумкин. Лекин биз тасниф қилаётган ушбу асар, Кўқон хонлиги ташкил топишидан олдин кўчирилганлиги ва Бухоро хаттотлари томонидан ёзилганлиги эътироф этилса, кўплаб китоблар Бухоро ва бошқа шаҳарлардан олиб келиниб, Худоёрхон вақфи сифатида масжид ва мадрасаларга совға қилинганлигини билиш мумкин.

“Мухтасарул-виқоя” ҳанафий мазҳабининг тўртта энг буюк фиқхий матнларидан бири ҳисобланган. “Мухтасарул-виқоя”дан ташқари ушбу асар “ан-Ниқоя”, “ан-Нуқоя”, “Ниқоят ар-ривоя”, “Ниқоят ал-Виқоя” каби номлар билан ҳам аталади. Ушбу асар фиқхий матн китоблари ичida ўзининг қисқалиги, мўжазлиги билан ажralиб тургани учун “Мухтасарул-виқоя” номи билан танилган. Муаллиф уни ўз бобоси Маҳмуд ибн Аҳмад ал-

¹ “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” туркумидан, “Кўқон давлат музей қўриқхонаси тўплами” китоб-албом. XLIII жилд. “Кўллэзмалар ва хужжатлар”. Абдулатиф Турдалиев. 110-бет. - Тошкент. 2022.

Маҳбубий (ваф.630/1232) нинг “ал-Ҳидоя”ни қисқартириб тартиб берган “ал-Виқоя” асосида яратган эди.

XVI асрга оид бўлган ушбу асар бизгача тўлиқ холда етиб келган. Маълумки, ўтмишда китоб ёзган алломаларимиз асарни икки хил йўл билан таълиф қилганлар. Баъзи олимлар китобнинг бошида ёки китобнинг биринчи саҳифаларида унинг амал қилган усули ҳақида маълумот беришади. Айрим уламолар эса бу борада ҳеч қандай маълумот бермайдилар. Улар тўғридан-тўғри китобни ёзишни бошлайдилар. Убайдуллоҳ ибн Масъуд иккинчи гурӯҳдаги олимлардан бўлган. Чунки у китобида амал қилган усул билан боғлиқ бирорта узун ёки қисқа масала ёзмади. Асарнинг биринчи саҳифасида китоб мундарижаси келтирилган, улар фиқҳ мавзуларига кўра 31 бўлим ва 121 бобга ажратилган. Хар бир мазхаб имомлари фикрининг далиллари асарга киритилмаган, асосан, Абу Ҳанифа фикрини айтиш билан чегараланган.

Асарнинг содда ва қисқа ёзиш услуби бироз тушунишга қийин сўзлардан фойдаланишга олиб келган. Шу сабабдан асарга шарҳлар берилишига эҳтиёж сезилган. Асарнинг шарҳлари ва қўлёзмалари кўплигига сабаб, мазмунан ва фиқҳий жихатдан керакли асар эканлиги, талабаларнинг ёд олишлари учун ихчам ва қисқалиги, унга бўлган талабнинг кўп эканлигидадир. “Мухтасарул-виқоя” кичик хажмли бўлишига қарамай, у ислом ҳукуқининг асосий масалаларини ўзлаштиришга ёрдам беради. Шу сабабли машҳур ҳукуқшунос олимлар томонидан араб, турк, форс тилларида унга бағишлаб, кўп шарҳлар ва ҳошиялар ёзилган.

Асарга Ахмад ибн Муҳаммад Шаманий, Ибн Айний Ҳанафий, Абдулвоҳид ибн Муҳаммад, Алоуддин Али ибн Муҳаммад, Ибн Қутлубуғ Ҳанафий, Маҳмуд ибн Илёс Румий, Шамсиддин Муҳаммад Қуҳистоний, Али Қорий, Абдулмакорим ибн Абдулло ибн Муҳаммад, Нуриддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад Жомий каби фақиҳлар шарҳ ёзганлар.²

“Мухтасарул-виқоя” форс тилига самарқандлик олим Жалолуддин Маҳмуд ибн Абу Бақр Самарқандий Гўрмирий томонидан таржима қилинган.

“Шарҳи Гўрмирий” номи билан машҳур бўлган бу китоб 1864 йилда Ҳиндистондаги Лакнаҳуда, кейинроқ, Нулкишур босмахоналарида, шунингдек, 1900 йил Тошкентда нашр этилган.

Асарнинг арабча матни форсча таржимаси билан 1901 йилда Тошкетдаги О.А.Порцов босмахонасида чоп этилган. Бу китоб домла Шамсий Оҳунд ибн Ниёз Муҳаммад томонидан таржима қилинган.

Китобнинг энг муҳим шарҳларидан бири бўлган, Али ал Қорийнинг арабча шарҳи 1901 йил Олимжон ибн Муҳаммаджон ал Борудий томонидан Қозон университети матбаасида нашр қилинган.

“Мухтасарул-виқоя” ўзбек тилида тошкентлик фиқҳшунос олим Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа томонидан “Мажмаул-Мақсуд” номи билан таржима қилинган.

² “Ислом манбашунослиги”. Тошкент ислом университети нашриёти. - Тошкент. 2013.

ILM FAN XABARNOMASI

Ilmiy elektron jurnali

Китобнинг арабча матни 1991 йил “Мовароуннахр” нашриёти томонидан Тошкент шаҳрида нашр қилинган. “Мажмаул-Мақсуд”нинг биринчи жилди 1996 йил Маҳмуд Ҳасаний томонидан чоп қилинган.

Бу кўлёзма китобларнинг муаллиф томонидан ёзилиб, парча қоғозларга ёзилиб, ижод этилгандан сўнг, уни оқка кўчириб, китоб тусига киритувчи, жуда мураккаб, машаққатли ва шарафли вазифани бажарувчи шахс – котиб бўлган. Ушбу таълиф килинаётган китобнинг хаттоти Шоҳ Али ибн Мир Али Бухорий асарни шундай моҳирлик билан кўчирганки, китобат ёзища қўлининг кучлилигини англатади. Китоб насҳ хатида ёзилган бўлиб, услугуб ва қоидага роия этилиши, асарни гўзал, тоза ва текис бўлишига ҳисса кўшган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Марказий Осиё ҳалқлари орасида “Мухтасарул-виқоя” – у ёзилган ондан бошлиб то бугунги кунимизгача мўътабар саналган. Асарнинг кўплаб нусҳалари ҳозирда Россия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Туркманистон, Тожикистон кутубхоналарида, шунингдек, юртимиздаги Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик институтида икки юздан ортиқ кўлёзмалари мавжуддир. Бу каби асарларни ўрганиш, китобат санъати тарихи ва маданиятини тадқиқ қилиш, юртимиз тарихига оид кўплаб маълумотларга эга бўлишга ёрдам беради. Ушбу асар илм-фан тараққиёти, хусусан, фикр илми ривожига муносаб ҳисса қўшган манба сифатида доимо ардоқланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” туркумидан, “Қўқон давлат музей қўриқхонаси тўплами” китоб-албом. XLIII жилд. “Кўлёзмалар ва хужжатлар”. Абдулатиф Турдалиев. 110-бет. – Тошкент, 2022.
- Убайдуллоҳ ибн Масъуд. Мухтасар. Татарча таржимада ўзбек тилида нашрга тайёрловчилар: Рашид Зоҳид, Акром Дехқон. – Тошкент, Чўлпон, 1994.
- Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. А.Муродов. – Тошкент, 1971.
- Мақсадхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаул мақсуд. (“Мухтасарул виқоя”нинг ўзбекча шархи). Нашрга тайёрловчи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент. Адолат, 2000, 1-жилд.